

Амалдаги низом асосида иш курувчи кейинги уринларда «Етказиб берувчи» деб юритилувчи «Odina 0608» МЧЖ номидан иш курувчи раҳбар **Набиева Х.Х.** бир томондан ва амалдаги низом асосида иш курувчи кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи Хужаобод шаҳар Заиф эшитувчи болалар махсус мактаб интернати раҳбар вазифасини бажарувчи **ЗАЙНОБИДИНОВ АБДУПАТО.** иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома буйича узаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммасидаги маҳсулотларни тайёрлаб етказиб бериш «Буюртмачи» эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган ҳолда туловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартнома буйича етказиб бериладиган маҳсулотлар қуйидагича.

T/№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Матрас	шт	20	139000	2780000
2	Комплект <small>детского</small> постельного белья	КОМПЛЕКТ	50	74000	3700000
3	Комплект постельного белья	КОМПЛЕКТ	210	94000	19740000
	<b>Сумма</b>				<b>26 220 000</b>

Шартноманинг умумий баҳоси **26 220 000.00** (йигирма олти миллион икки юз йигирма минг сум) сум.

2.2. Хисоб-китоб «Буюртмачи» тамонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

2.3. Шартнома кучга кириб тегишли газначилик тизимида руйхатга олиниб, шахсий ҳисоб варақдаги маблағга асосан 5 банк иш кунида Буюртмачи етказиб бериладиган маҳсулотлар суммасининг 30 %ини яъни **7 866 000** (ёetti миллион саккиз юз олтинчи олти минг сум)сўмини «Етказиб берувчи» нинг ҳисоб варағига ўтказиб беради.

2.4. «Буюртмачи» қолган 70 % маблағни яъни **18 354 000** (Ун саккиз миллион уч юз эллик тўрт минг сум) сумини «Етказиб берувчи» томонидан тамонидан етказиб берилган маҳсулотларнинг ҳисоб варақ –фактуралари асосида 5 банк иш куни давомида ўтказиб беради.

2.5. «Буюртмачи» тамонидан 30% тулов амалга оширилгандан сунг «Етказиб берувчи» 5 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни «Буюртмачи»га етказиб беради.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Етказиб берувчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Етказиб бериладиган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда ўзил-қесил ҳисоб қилинишини «Буюртмачи» дан талаб қилади.

Маҳсулотларни мазкур шартномага асосан «Буюртмачи» нинг буюртмасига мувофиқ сифат ва микдорда муддатларида етказиб беради.



3.2. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

«Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртмага асосан тегишли сифат ва ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлигини ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Етказиб берувчи»дан талаб қилиш;

#### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома шартлари амалдаги қонун талаблариги мувофиқ зарур тарзда бажарилши шарт. Агар тамонлар ўз зиммалариги қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминласа шартнома шартлари бажарилган ҳисобланади.

4.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир тамонлама рад этилиши ёки ўзгартирилишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларни тегишли туркумлارини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳолда «Етказиб берувчи»ни буюртманомада сана бошланишидан 5 кун олдин хабардор қилинади.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Маҳсулотларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб бермаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулотлар қийматининг 50% идан ошмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган тамонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва маҳсулотларни етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик етказиб бермаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,4% миқдоридан пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% миқдоридан ортимаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларни жавобгарлиги, чора тadbирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қандайдир қура, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини қўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчилик ва низоларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий ишлар бўйича Андижон туманларaro судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### **VII. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР**

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда «енгин, сув тошқини ва шу каби бошқа ҳолатларда ҳам Ўзбекистон Президентининг фармонлари ва вазирлар маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### **VIII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИНИШИ.**

8.1. Мазкур шартнома шартнома Буюртмачи ва Етказиб берувчи томонидан тасдиқланиб, газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг қўчга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартномани барча шартлари бажарилган ва ҳисоб қитоб тулик тўғалланган тақдирда тўхтатилади.

### IX. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР.

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда солиб этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг ҳуқуқий қучга эга.

9.3 Кафолат 1 (Бир) йил

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: ODINA 0608

Ташкилот номи: Заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган ДТМ

Кургантепинский район, Кургантепа Ифтихор 86

х/р: 20208000905485594001

МФО 01079 СТИР 309242515



ОКОНХ

Бошлик Набиева Х.Х.



*Рахбар*

Рахбар: А. Зайнобидинов



*Юрист Абдукаримов А.А.*